



## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ҚИСМИГА ЎТКАЗИЛГАН БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Фарходов Фаррух Фурқатович**

*Божхона қўмитасининг Божхона институти "Божхона назорати"  
кафедраси ўқитувчиси. Тошкент, Ўзбекистон.*  
[farrux.farxodov@gmail.com](mailto:farrux.farxodov@gmail.com)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss2/i3](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i3)

### **Аннотация**

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарлардан божхона тўловларини ундиришнинг мазмун-моҳияти ва уни давлат бюджетини шакллантиришдаги ўрни очиқ берилган. Шунингдек, божхона тўловларини ундиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Божхона тўловларини қўллаш бўйича чет давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, Ўзбекистон Республикасида божхона тўловларини ундиришни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилди.

**Калит сўзлар:** Божхона тўловлари, ташқи савдо, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи, божхона тўловлари ставкаси, божхона тўловларидан бериладиган имтиёзлар, давлат бюджети, товарлар, божхона чегараси, ташқи иқтисодий фаолият.

**Фарходов Фаррух Фурқатович**

*Преподаватель кафедры "таможенный контроль" таможенного института  
Таможенного комитета. Ташкент, Узбекистан.*

### **Аннотация**

В данной статье раскрывается сущность взимания таможенных платежей с товаров, перемещаемых через таможенную границу Республики Узбекистан и его роль в формировании государственного бюджета. Также было проанализировано современное состояние взимания таможенных платежей. Изучен передовой опыт зарубежных стран по применению таможенных платежей, даны научно обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию взимания таможенных платежей в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** Таможенные пошлины, внешняя торговля, налог на добавленную стоимость и акцизы, ставки таможенных пошлин, льготы по уплате таможенных пошлин, государственный бюджет, товары, таможенная граница, внешнеэкономическая деятельность.

**Farkhodov Farrukh Furkatovich**

*Lecturer of the Department "Customs Control" of the Customs Institute of the Customs Committee.  
Rashkent, Uzbekistan.*

### **Abstract**

This article describes the essence of collecting customs fees from goods transported across the customs border of the Republic of Uzbekistan and its role in the formation of the state budget. Also, the current state of customs fee collection was analyzed. The best practices of foreign countries in

the application of customs fees were studied, scientifically based suggestions and recommendations were given for improving the collection of customs fees in the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** Customs duties, foreign trade, value-added tax and excise tax, customs duties rate, exemptions from customs duties, state budget, goods, customs border, foreign economic activity.

## **Кириш**

Ҳар бир мамлакат дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш учун мамлакат ишлаб чиқариш салоҳиятини юқори даражага олиб чиқишга доимий равишда интилиб боради. Ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва дунё бозорига чиқишда эса импорт таркибини доимий равишда ўрганиш ва унинг таркибини оптималлаштириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириб бориш ташқи савдони эркинлаштиришнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни божхона тўловлари билан тартибга солиш орқали ташқи савдони самарали таркибини таъминлаш, ички товарларни ишлаб чиқарувчиларни чет элнинг носоғлом рақобатидан ҳимоялаш, давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантириш каби вазифалар бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлардан божхона тўловларини ундириш божхона расмийлаштируви жараёнида асосий шартлардан бири ҳисобланади. Божхона тўловларини тўғри қўллаш орқали мамлакат бюджети даромадлар қисмига пул маблағларни тўлиқ тушишига олиб келиб, иқтисодиётни ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида олиб бориладиган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётни модернизация қилиш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини камайтириш ва таркибий ўзгартиришларни жадаллаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш мақсадида, 2022 йил 28 январда “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонда белгиланган Давлат дастури “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” йўналишининг 21-мақсадида:

-Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш;

-Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлашга доир бир қанча вазифалар белгилаб берилди [1].

Юқоридаги ҳаракатлар стратегиясида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, ташқи савдони тартибга солишда божхона тўловларини қўллашни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, натижалари бўйича олинган назарий хулосалардан амалиётда тўғри қарор қабул қилишда фойдаланиш, жумладан давлат бюджетини тўлдиришда божхона тўловларини ундириш механизмларини тадқиқ этиш ва уни такомиллаштириш бўйича хулоса ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Божхона тўловлари - божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товар моддий бойликлари учун давлат бюджетига ундириладиган тўлов. Божхона тўловлари ҳар бир давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ турлича бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида божхона тўловлари таркибида божхона божи, акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимлари мавжуд.

Божхона тўловлари ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда ташқи савдо айланмасини зарур даражада тартибга солиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда фискал вазифаларни бажаради.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Божхона тўловларини мазмун моҳиятини ва уларни қўллашни назарий асослари бўйича дунё олимлари турлича тариф берган. Жумладан:

Д.А. Слепов ва Е.В. Чуйковлар божхона тўловлари божхона органлари ходимлари томонидан ҳисобланадиган ва федерал бюджет даромадлар қисмини тўлдирувчи манба ҳисобланади [3].

В.Ю.Жуковец — божхона тўловлари деганда, товарларни божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда божхона органларига мажбурий равишда, шахс томонидан тўланиши керак бўлган барча тўловларнинг йиғиндиси тушунилади [4].

О.Ю.Бакаев, божхона тўловларига — белгиланган тартибда божхона органлари томонидан йиғиладиган ва товарларни божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда тўланадиган солиқ ва бюджетга тушадиган солиқ ва солиқдан ташқари тушумлар вазифасини бажарадиган мажбурий тўловлар деб, ўз таърифини беради [5].

В.Г.Свинухов, ўзини икки илмий ишида божхона тўловлари атамасига иккита мутлақо бошқа-бошқа тариф беради. Жумладан, илмий-тадқиқот ишларининг бирида, божхона тўловлари — товарларни олиб кириш ёки экспорт қилишда божхона органлари томонидан олинадиган ва товарларни олиб кириш ёки экспорт қилишнинг зарурий шarti бўлган мажбурий тўлов сифатида тариф беради. Бошқа бир асарда божхона тўловлари тушунчасига тариф берар экан, божхона тўловлари божхона органлари томонидан олинадиган, божхона чегаралари орқали товарларни олиб ўтиш билан бевосита боғлиқ бўлган солиқлар ва йиғимлардир. Шу билан бирга уларни тўлаш божхона процедураларини қўллашнинг муҳим шартидир” деб кўрсатиб ўтади [6].

Ж.М.Кейнснинг фикрича, солиқлар фискал функциясидан ташқари иқтисодий тартибга солиш, рағбатлантириш ва даромадларни бошқариш функцияларига эга, солиқнинг бу функциялари уни иқтисодий тартибга солиш ва иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш зарурлигидан келиб чиқади [7].

Профессор А.Ваҳобовнинг фикрича, «иқтисодий фаолиятга бевосита ва билвосита аралашуви жараёни экспорт ва импорт ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатиш орқали ички бандликни таъминлаш, иқтисодий ўсишга эришиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тўлов балансини яхшилаш ҳамда валюта курсини тартибга солиш мақсадларини кўзда тутати» [8].

Божхона тўловлари божхона чегарасидан товар олиб ўтишнинг муҳим шarti ҳисобланиб, уни қўллаш орқали ташқи савдони самарали таркибини таъминлаш, ички ишлаб чиқарувчиларни чет элнинг носоғлом рақобатидан ҳимоялаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ва давлат бюджетини даромадлар қисмини шакллантириш каби вазифалар бажарилади.

#### **Тадқиқот методологияси**


Мазкур мақолада ривожланган хорижий давлатларнинг божхона органлари фискал фаолияти тажрибасини ўрганилган, Божхона қўмитасининг охириги 5 йиллик статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш усулларидадан фойданилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикасида жами ундириладиган божхона тўловларини таркибида олиб кириладиган товарлардан ундириладиган божхона тўловлари 98 фоизни, солиқлар эса 88-90 фоизни ташкил этади. Амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикасида товарларни экспортини рағбатлантириш мақсадида товарларни божхонада экспортга расмийлаштиришда божхона тўловлари ундирилмайди (бундан божхона йиғимлари мустасно).

Божхона тўловларининг давлат бюджети даромадлари қисмидаги улуши ҳам йилдан-йилга ошиб келмоқда. Бу кўрсаткич 2017 йилда 15,3 фоиз бўлса 2021 йилга келиб 20,1 фоизни ташкил этган. Бу даврда ушбу кўрсаткич 4,8 фоизга ўсган (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларда божхона тўловларининг давлат бюджети даромадлари қисмидаги улуши (фоизда)**

*Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*


Жаҳонда иқтисодиётни глобаллашуви шароитида мамлакат ташқи савдосини барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда унинг иқтисодиётга ижобий таъсирини ошириш жараёнида ташқи иқтисодий фаолиятни жаҳон бозори конъюнктурасидаги ўзгаришларга мос ҳолда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ўз манфаатларидан келиб чиқиб, мустақил ташқи иқтисодий сиёсатни ўтказиш имкониятига эга бўлди. Шу сабабли, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг кундан-кун ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, интеграциялаш жараёнларини ривожлантириш вазифалари қўйилди.

Божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш борасида ҳам охириги йилларда қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва уни ундириш бўйича меъёрий ҳуқуқий база такомиллашмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига бу йўналишда қулайликлар яратилиши натижасида ундирилган божхона тўловларининг

миқдори ҳам йилдан — йилга ошмоқда. 2017-2021 йилларда божхона тўловлари 4,4 мартага ошган (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2017-2021 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари миқдори (млрд. сўмда)**

*Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда жами божхона тўловлари таркибида: қўшилган қиймат солиғи 83,6 фоизни, импорт божхона божи 16,1 фоизни, акциз солиғи 0,1 фоизни, бошқа тўловлар 0,2 фоизни ташкил этган. 2017 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 83,6, 22,5, 14,5 ва 2,6 фоиз бўлган. Бу йилларда импорт божини улуши 6,4 фоизга, акциз солиғи 14,4 фоизга, божхона йиғимлари ва бошқалар 2,4 фоизга камайган ва аксинча қўшилган қиймат солиғи 23,2 фоизга ошган (1-жадвал).

**1-жадвал**


**Божхона органлари томонидан 2017-2021 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркиби (фоизда)**

№	Божхона тўловлари турлари	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Импорт божхона божи	22,5	16,1	13,5	14,3	16,1
2.	Қўшилган қиймат солиғи	60,4	74,5	78,5	79,8	83,6
3.	Акциз солиғи	14,5	4,6	4,6	3,7	0,1
4.	Божхона йиғимлари ва бошқа тўловлар	2,6	4,5	3,4	2,2	0,2
Жами		100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

*Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

Ушбу таҳлилдан кўришимиз мумкинки, ўтган беш йил давомида давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловларига нисбатан ундан берилган имтиёзлар ҳажми ҳам йил сайин ошиб келмоқда. Агарда, 2017 йилда берилган имтиёзлар миқдорини 2021 йилдаги билан солиштирадиган бўлсак, бу даврда ушбу кўрсаткич 1,5 мартага ошган (3-расм).


Божхона тўловларидан берилган имтиёзларни ошишига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллийлаштириш дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонаси ташкил этган давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга берилган преференцияларнинг кўпайиши сабаб бўлган.



**3-расм. Божхона органлари томонидан 2017-2021 йилларда божхона тўловларидан берилган имтиёзлар. (трлн. сўм)**

*Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

Шунингдек, 2021 йилда Ўзбекистон Республикасида ТИФ қатнашчиларига божхона тўловларидан берилаётган имтиёзлар 38,15 трлн сўмни, давлат бюджетига ўтказилган маблағларлар ҳажми 33,23 трлн сўмни ташкил қилган ва божхона тўловларидан берилган имтиёзлар давлат бюджетига ўтказилган маблағларлар ҳажмидан 12,9 фоизга кўплигини кўрсатмоқда. 2017 йилда жами ҳисобланган божхона тўловлари таркибида берилган имтиёзлар 75,0 фоизни, давлат бюджетига ўтказилган маблағлар 25,0 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар 2021 йилда мос равишда 53,4 фоиз ва 46,6 фоизни ташкил этган (4-расм). Охири йилларда божхона тўловларидан имтиёзлар камайиши ҳисобига ундирилган божхона тўловлари кўпаймоқда.



**4-расм. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2017-2021 йилларда ҳисобланган, давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари**

*Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*


Божхона органлари томонидан 2017-2021 йилларда божхона тўловлари кесимида берилган имтиёзларнинг улушини таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилда қўшилган қиймат солиғига 55,20 фоиз, импорт божхона божига 36,80 фоиз, акциз солиғига 7,90 фоиз, божхона йиғимлари ҳиссасига 0,10 фоиз тўғри келган. 2021 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 49,20, 50,72, 0,02 ва 0,06 фоиз бўлган. Бу даврда импорт божхона божидан тариф преференциялари ва имтиёзларни кўпаётганлигини ҳамда қўшилган қиймат солиғидан берилаётган имтиёзларни камаётганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек бу даврда, жумладан 2021 йилда импорт товарларининг 73 турига акциз солиғини бекор қилиниши, акциз солиғидан ундириладиган тушумлар ва улардан бериладиган имтиёзларни кескин камайишига сабаб бўлган (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Божхона органлари томонидан 2017-2021 йилларда божхона тўловлари кесимида берилган имтиёзларнинг улуши. (Фоизда)**

Йиллар	Божхона тўловларидан берилган жами имтиёзлар	Импорт божхона божи	Акциз солиғи	Қўшилган қиймат солиғи	Божхона йиғимлари
2017	100,00	36,80	7,90	55,20	0,10
2018	100,00	28,09	5,10	66,70	0,01
2019	100,00	32,29	5,30	62,40	0,01
2020	100,00	42,90	3,90	53,80	0,01
2021	100,00	50,72	0,02	49,20	0,06

Манба: Муаллиф томонидан Божхона қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.



Охирги йилларда божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш тартиблари такомиллашди ва бу жараёнларда ахборот технологиялардан фойдаланиш ривожланди. Ҳозирги пайтда божхона тўловларини ундириш ва назорат қилишда рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса божхона расмийлаштирувига кетган вақтни қисқартириб, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини божхона расмийлаштирувига кетаётган сарф-харажатларни қисқартирмоқда, шунингдек, божхона тўловларини ундириш тартиботларини соддалаштирмоқда.

Божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали инсон омилини кескин қисқартириш, божхона соҳасини очиқлик, шаффофлик ҳамда ишончлилик таъминоти асосида коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 122-сон Фармони қабул қилинди. Унда 2022-2023 йилларда божхона расмийлаштируви жараёнларини рақамлаштириш бўйича йўл харитаси қабул қилинди [2]. Унга асосан, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришни рақамлаштириш бўйича қуйидаги дастурий таъминотлар ишлаб чиқилди ва амалиётга киритилмоқда. Улар:

божхона қиймати тўғри белгиланганлигини назорат қилиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш бўйича «Божхона қиймати мониторинги» ахборот тизимини яратиш; тўланиши лозим бўлган божхона тўловларини аниқлашда божхона органи томонидан дастлабки қарорни бериш жараёнларини рақамлаштириш;

шартли божхона қийматини белгилаш бўйича хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш;

божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш жараёнини рақамлаштириш орқали қарздорликларнинг ҳисобини юритишнинг умумий шаффоф электрон тизимини яратиш;

божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ва кечиктириб тўлашга рухсат бериш жараёнларини рақамлаштириш;

божхона тўловлари бўйича солиштирма далолатномани расмийлаштириш жараёнларини рақамлаштиришдан иборат.

Божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш жараёнини рақамлаштиришда юқоридаги дастурий таъминотларни амалиётга киритилиши, бу йўналишдаги шаффофликни ошириб, тадбиркорларнинг божхона расмийлаштирувига сарфланадиган вақт ва маблағларини қисқартиришга олиб келди.

Шунингдек, Божхона тартиботларини Киото Конвенцияси стандартларига уйғунлаштириш мақсадида:

- 2022 йил 1 январдан бошлаб ортиқча тўланган божхона тўловлари ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисига 3 иш куни давомида қайтарилиши;

- божхона тўловларини кечиктириб тўлашнинг энг кам муддати 14 кун этиб белгиланди ва ушбу муддатда фоизлар ундирилмаслиги;

- қўшимча ҳисобланган божхона тўловларининг ундирилмайдиган ва қайтарилмайдиган энг кам миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи (60 минг сўм) этиб белгиланди.

- тўланиши лозим бўлган божхона тўловларини аниқлашга божхона органларининг дастлабки қарорларини татбиқ этилиши белгиланиб қўйилди.

Дунё мамлакатлари ўз тараққиёт даражасидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда турли хил божхона тўловларидан фойдаланади ва уларнинг давлат бюджети даромадлар қисмидаги улуши турлича.

Россия Федерациясида 2017 йилда жами ундирилган божхона тўловлари таркибида қўшилган қиймат солиғи 41,5, экспорт божи 11,1, импорт божи 43,1, импортга акциз солиғи 1,6 ва божхона йиғимлари 2,3 фоизни ҳамда 2020 йилда қўшилган қиймат солиғи 40,1, экспорт божи 46,1, импорт божи 11,2,

импортга акциз солиғи 1,3 ҳамда божхона йиғимлари 0,3 фоизни ташкил этади.

Россия Федерациясида 2017-2020 йилларда жами ундирилган божхона тўловлари таркибини таҳлили шуни кўрсатадики, бу йилларда экспорт божи 11,1 фоиздан 46,7 фоизга кўтарилганини, импорт божи аксинча, 43,1 фоиздан 11,2 фоизга тушганини кўришимиз мумкин [9].

Беларусия Республкасида 2014-2017 йилларда божхона тўловлари давлат бюджети даромадлар қисмини 35,70-38,57 фоизини ташкил этган. 2017 йилда жами ундирилган божхона тўловлари 7,11 млрд.рубли ташкил этган. Унинг таркибида божхона божларининг улуши 46,4 фоизини (3362,1 млн.рубл) ташкил этади.Унда экспорт божлари 66,6 фоизни, импорт божлари 33,4 фоизни ташкил этган [10].Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2014-2017 йилларда Беларусия Республкасида божхона тўловларининг давлат бюджети даромадлар қисмидаги улуши кўпайиб, унда импорт божларини кўпайганлигини ва аксинча экспорт божларини камаётганлиги ҳолати кузатилмоқда. Шунингдек, божхона тўловларининг ставкалари ҳам турлича, мисол учун: Россия Федерациясида ҚҚСнинг 3 хил ставкаси бугунги кунда амалда:

- 0 % ли ставка мамлакатдан экспорт бўлаётган товарларга нисбатан қўлланилади;

- 10 % ли ставка алоҳида истеъмол товарлари, болалар ва тиббиёт учун мўлжалланган товарларга нисбатан қўлланилади;

- 20 % ли ставка қолган барча товарларга нисбатан қўлланилади.

Германиянида ҚҚСнинг 2 хил ставкасида бугунги кунда амалда:

1. Китоблар ва озиқ – овқат товарларига 7 % ли ставка қўлланилади.

2. 19 % ли ставка қолган барча товарларга нисбатан қўлланилади [11].

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб, айтганда ташқи савдони божхона тўловлари орқали тартибга солиш тизимини илғор хорижий тажрибалар, халқаро принциплар ва нормаларни инobatга олган ҳолда оптималлаштириб бориш ҳамда уни ундириш механизмларини такомиллаштириб бориш, миллий иқтисодиётни халқаро иқтисодий интеграция жараёнларига яқинлашувига замин яратади.

Юқоридаги хулоса ва чет давлатларининг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва улардан берилаётган имтиёзлар бўйича қўйидагилар таклиф этилади:

-Божхона тўловларидан имтиёз берилиши назарда тутилган меъёрий ҳужжатларни мамлакатимизда бўлаётган ривожланиш ва ишлаб чиқаришнинг ўзгаришини ҳамда ушбу имтиёзларнинг самарадорлик даражасини инobatга олиб қайта кўриб чиқиш, инвентаризациядан ўтказиш ҳамда ўзгартиришлар киритиш.

-Божхона тўловларидан берилган имтиёзлардан мақсадли фойдаланилганлигини назорат қилувчи ахборот тизимни яратиш. Бунда давлат солиқ қўмитасининг “E-faktura” ва солиқ ҳисоботлари ахборот тизимларини божхона органлари ахборот тизимига интеграция қилиш;

-Ташқи иқтисодий фаолият Товарлар Номенклатурасидаги код рақамлари бир-бирига яқин товарларнинг ставкаларини унификация қилиш, яъни яқинлаштириш;

-Товарларни импортига қўшилган қиймат солиғида имтиёзлар беришни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан зарур бўлган товарларга табақалаштириш таклиф этилади;

-Юқоридаги давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, айрим халқаро бозорларда юқори талабга эга товарларга экспорт божхона божи ставкасини белгилаш таклиф этилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва улардан берилаётган имтиёзлар бўйича меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш божхона тўловларини йиғилувчанлигини янада ошириб, давлат бюджетини даромадлар қисмини янада кўпайишига хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 122-сон Фармони

3. Слепова Д.А., Чуйкова Е.В. Таможенные платежи, исчисляемые таможенными представителями как источник формирования доходов федерального бюджета Российской Федерации. Экономика и управление: новые вызовы и перспективы. 2016;(11):192–196.

4. Жуковец В.Ю. Таможенное право в вопросах и ответах.М.2005.с 98.

5. Бакаева О.Ю. Правовое регулирование финансовой деятельности РФ. Саратов.2005 с28.

6. Свинухова В.Г. Таможенное дело.М.2005 г. С.251.

7. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент Молия институти, 2004. – 166 б.

8. Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiyev Sh.X. “Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar”. – Т.: Baktria press, 2015. - 548 bet.

9. <http://dnevniknauki.ru/images/publications/2020/2/law/lshbuldin.pdf>

10. Карсюк Е.С., Чернорук С.В. Таможенные платежи и их роль в формировании бюджета Республики Беларусь. <https://sovman.ru/article/8802/>

11. Пардаев Т.Н. Божхона тўловларини қўллашни оптималлаштириш – иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили. Ж.Бозор, пул ва кредит” 2020 й.5-сон 54-61 бетлар.

12. Дмитриева О.А.. Проблемы и перспективы развития цифровых технологий в таможенном деле. Государственное и муниципальное управление. Ученые записки. 2018. № 4. с. 88-91.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 25 январдаги 19 (7521)сони.

14. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон;

15. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2016 йил 20 январда. ЎРҚ-400-сон. “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги